

## РАҲМАТ ОЙИГА МУНОСИБ МУРУВВАТ

*«Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод».*

Маълумки, адолат ўрнатиш, халққа раҳм-шафқат кўрсатиш динимизнинг асосий ғояларидан ҳисобланади. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай марҳамат қилади: **“Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузукчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур”** (Наҳл сураси, 90-оят).

Шариатимизда бағрикенглик ва афв этишга кўп даъват қилинган. Чунки, афв қилиш Аллоҳ таолонинг улуғ сифатларидан биридир. Парвардигоримиз ояти каримада: **“...Агар сизлар афв этсангиз, койимасангиз ва кечирсангиз, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ҳам сизларга нисбатан) мағфиратли ва раҳмлидир”**, деган (Тағобун сураси, 14-оят).

Адолат ўрнатиш, авф қилиш динимизнинг асосий ғояларидандир. Айниқса, бу иш давлат раҳбари томонидан амалга оширилса, унга нисбатан Аллоҳ таолонинг ҳам, халқнинг ҳам муҳаббати зиёда бўлади. Қолаверса, адолатпарварлик ва кечиримлилик жамиятнинг фаровонлиги, юрт ободлиги учун муҳим омил ҳисобланади.

Муҳтарам юртбошимизнинг топшириғига биноан, 156 нафар ватандошимиз, асосан аёллар ва болалар Яқин Шарқдаги қуроли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилди. Улар 30 май куни махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди. Муборак Рамазон ойида амалга оширилган ушбу эзгу ва оқилона тадбир Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги илоҳий кўрсатмаларга ҳамоханг ва таҳсинга сазовордир.

Алдов оқибатида ўзга юртларга бориб қолиб, оғир ҳаётий даврни бошидан ўтказган бу ватандошларимизга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашишлари, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароит яратилади, бошпана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Ушбу халқпарвар ва узоқни кўзлаб амалга оширилган Юртбошимизнинг қарори келажакда ўз самарасини кўрсатади. Халқимизнинг ўзаро аҳлиги ва бирдамлиги учун улкан намуна бўла олади. Буюк аждодимиз Алишер Навоий ўзларининг “Ҳайратул аброр” асарларида шундай ҳикояни келтирадилар: “Сахий бир подшоҳнинг хизматкори бор эди. Кунларнинг бирида зиёфат вақтида фалокат босиб, оёғи чалишиб, подшоҳнинг устига иссиқ таомни тўкиб юборибди. Аёнлар: “Подшоҳ энди уни ўлдиради, гуноҳига лойиқ жазо шу!” дейишибди. Шоҳ эса хизматкорнинг аҳволини кўриб, уни кечириб, марҳамат кўрсатибди. Бунга ҳайрон бўлган вазири: “Эй сахийликда беғараз подшоҳим, унга тигдан бошқа нарса лойиқ эмас эди-ку?” дебди. Шоҳ кулимсираб: “Хижолатнинг ўзи уни ўлдириб бўлди. Ҳеч ким ўлган кишини қайтадан ўлдирмаган, бошига жазо тигини тортмаган...”.

Хулоса қилиб айтганда, бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: “Ҳар бир миллатнинг тараққий этиши, юксалиши, давлат ва ҳукуматларнинг бардавом бўлиши адолатга боғлиқдир”. Ушбу фикрнинг исботи кўз ўнгимизда намоён бўлиб турибди – мамлакатимиз кундан-кун чирой очиб, юртдошларимизнинг ижтимоий аҳволи яхшиланиб, энг муҳими, халқда давлатга бўлган ишонч туйғуси мустаҳкамланиб бормоқда.